



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИЛМ САРИ ИЛК ҚАДАМ

Ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг
“2014 йил – Соғлом бола йили”га бағишланган илмий
конференцияси материаллари

Тўплами

I-қисм



Самарқанд - 2014

ТАЖРИБА ГУРУҲЛАРИДАГИ СИГИРЛАРНИНГ ЛАКТАЦИЯСИНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.Бозорова – магистрант, П.С.Собиров – профессор

Биз Сурхондарё вилояти, Шеробод туманига қаршли “Тошпулатов Баходир Жўраниёзович” фермер хўжалиги шароитида танлаш ва саралашнинг таъсирини сиғирларнинг сут маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида I–гуруҳга соф зотли қора-ола, II–гуруҳга эса қора –ола зотли сиғирларини голштин зоти билан чапиштиришдан олинган биринчи бўғин авлодларидан 10 бошдан ажратиб лактация давомида уларнинг маҳсулдорлигини ўргандик. I–гуруҳдаги сиғирларни тирик вазни 510 кг ва II–гуруҳдаги сиғирларнинг тирик вазни эса 540 кг бўлган.

Маълумки, сиғирларнинг асосий селекцион белгиларидан бири уларнинг лактация жараёнини кечиш кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу кўрсаткич танлаш ва саралаш усулларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Биз ўз тадқиқотларимизда, ҳар хил усулда танланган ва сараланган сиғирларнинг лактация мобайнида ойлик сут миқдори, соғин даврининг давомийлик коэффициенти ва сут миқдорининг ойлар кесимида пасайиш индекси каби селекцион белгиларни ўргандик ва ушбу кўрсаткичлар бўйича гуруҳлараро фарқни кузатдик.

Тажириба гуруҳларидаги сиғирларнинг лактациясининг кечиш хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги I –жадвалда келтирилган.

Тажрибадаги сигирларнинг лактацияси мобайнида ойлик сут миқдори, соғин даврининг доимийлик коэффициенти ва сут миқдорининг пасайиш индексининг ўзгариши

Лактация ойлари	Гурухлар					
	I			II		
	Сут миқдори, кг	Соғин даврининг доимийлик коэффициенти	Сут миқдори-нинг пасайиш индекси, %	Сут миқдори, кг	Соғин даврининг доимийлик коэффициенти	Сут миқдори-нинг пасайиш индекси, %
I	216,8	100,0	47,9	237,6	100	47,9
II	391,2	180,4	86,4	429,1	180,6	86,4
III	453,0	115,8	X	496,4	115,7	x
IV	430,4	95,0	95,0	467,6	94,2	94,1
V	388,3	90,2	85,7	420,5	90,0	84,7
VI	349,5	90,0	81,2	380,0	90,4	78,2
VII	330,0	94,4	72,8	358,7	94,4	72,3
VIII	288,0	87,3	63,6	305,6	85,2	61,6
IX	228,7	x	50,5	260,0	x	52,4
X	160,1	x	35,4	190,5	x	38,4
Соғин даври бўйича	3236,0	106,6	X	3546,0	106,3	x

I–жадвал кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда шундай фикрга келиш мумкинки, ҳар иккала гуруҳлардаги сигирларда ойлик сут миқдори, соғин даврининг доимийлик коэффициенти ва сут миқдорининг пасайиш индекси бўйича гуруҳлараро фарқ мавжуд ва бунда II–гуруҳдаги дурагай сигирлар устиворликка эришишган.

Хусусан, ойлик сут соғими бўйича II–гуруҳдаги сигирларнинг ўз тенгқурлари, I–гуруҳдаги сигирларга нисбатан устунлиги лактациянинг I–ойида 20,8 кг, ёки 9,6 фоиз, II–ойида 37,9 кг, ёки 9,7 фоиз, III–ойида 46,6 кг, ёки 10,2 фоиз, IV–ойида 37,2 кг, ёки 8,6 фоиз, V–ойида 32,2 кг, ёки 8,3 фоиз, VI–ойида 30,5 кг, ёки 8,7 фоиз, VII–ойида 28,7 кг, ёки 8,7 фоиз, VIII–ойида 17,6 кг, ёки 6,1 фоиз, IX–ойида 31,3 кг, ёки 13,7 фоиз ва X–ойида 30,4 кг, ёки 18,9 фоизни ташкил этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар иккала тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг ҳам сут соғими бўйича энг юқори чўққиси лактациянинг III–ойига тўғри келган бўлиб, лактация давомида соғиб олинган жами сут миқдорини тегишли равишда 14,0 ва 14,1 фоизни ташкил этган.

Лактациянинг бошқа ойларида олинган сут соғими, лактация мобайнида олинган сутнинг гуруҳлар бўйича мутаносиб равишда: I–ойида 6,7; II–ойида 12,1; IV–ойида 13,3; V–ойида

12,0; VI–ойида 10,8; VII–ойида 10,2; VIII–ойида 8,9; IX–ойида 7,1 ва X–ойида 5,2 фоизни ташкил қилган.

Сигирларнинг зоти, зотдорлиги, махсуддорлик йўналишин, ёши, тирик вазни, танлаш ва саралаш усулидан катъий назар уларнинг сут махсуддорлиги бўйича баҳолаганда, лактациянинг дастлабки (I) ойидаги сут соғимини 100,0 фоиз деб қабул қилиб, лактациянинг кейинги ойларини шу кўрсаткичга нисбатан ҳисобланадиган соғин даврининг доимийлик коэффициенти бўйича ҳам гуруҳлараро фарқ кузатишган ва гуруҳларда қуйидагича бўлган: лактациянинг I ойида 100 ва 100; II–ойида 180,4 ва 180,6; III–ойида 115,8 ва 115,7; IV–ойида 95,0 ва 94,2; V–ойида 90,2 ва 90,0; VI–ойида 90,0 ва 90,0; VII–ойида 94,4 ва 94,5; VIII–ойида 87,3 ва 85,2.

Лактациянинг кейинги икки ойида ушбу кўрсаткич ҳисобланмади. Бу кўрсаткичларни умумлаштиришда гуруҳларда тегишли равишда 106,6 ва 106,3 бирликка тенг бўлган.

Сигирларнинг лактацияси давомида сут кўрсаткичларига қараб баҳо берилганда, энг кўп сут соғими кузатишган яъни сут бўйича энг баланд чўққиси ҳисобланган ойида олинган сут миқдорига қолган ойларнинг сут миқдорини солиштириш, ёки қиёслаш йўли билан аниқланадиган сут миқдорининг пасайиш индекси кўрсаткичи бўйича ҳам кам бўлсада гуруҳлараро тафовут кузатишган.

Тадқиқотларимизда ҳар иккала гуруҳлардаги сигирларнинг лактацияси мобайнида сут миқдорининг пасайиш индекси тегишли равишда қуйидагича бўлган: лактациянинг I –ойида 47,9 ва 47,8; II –ойида 86,4 ва 86,4; IV –ойида 95,0 ва 94,1; V –ойида 85,7 ва 90,0; VI –ойида 81,2 ва 78,2; VII –ойида 72,8 ва 72,3; VIII –ойида 63,6 ва 61,6; IX –ойида 50,5 ва 52,4 ҳамда X –ойида 35,4 ва 38,4. Кўришиб турибдики, бу кўрсаткич ҳам I–гуруҳдаги соф зотли қора –ола зотига мансуб сигирларга қараганда, II–гуруҳдаги дурагай сигирлар устиворликка эришишган.

Тажрибадаги сигирларнинг танлаш ва саралаш кесимида лактациясининг кечини хусусиятларини таҳлил қилиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, олинган барча маълумотлар умумий қонуниятларга мос келади.

ОТЛАРДА ТЕНДОВАГИНИТЛАР ЭТИОЛОГИЯСИ

У.Турсунов – магистрант, Н.Б.Дилмуродов – вет.фан.доктори

Қишлоқ хўжалиқда хайвонларнинг бармоқ касалликлари қатта иқтисодий зарар келтиради. Бирок хайвонларда бармоқ касалликларидан келиб чиқадиган иқтисодий зарар тўғрисида турли муаллифлар турлича маълумот беришган. Оёқларнинг пай ва пай кин касалликлари этиопатогенези ва клиник белгилари чуқур ўрганилган бўлсада, фермер хўжалиқлари шароитида бу касалликнинг келиб чиқиб сабаблари ва уларнинг кечини тўғрисида аниқ маълумотлар адабиётларда етарли даражада кўрсатилмаган. Охириги йилларда бир қатор олимлар, жумладан, К.И.Шакалов (1987), Н.Ш.Давлатов, Х.Б.Ниёзов (1999, 2006, 2008) олиб борган тадқиқотлар натижасида отларда оёқ касалликлари 21 % ни ташкил қилиши аниқланган, бироқ оёқ касалликларини даволаш борисида олиб борилган ишларни таҳлил қилиш адабиётларда кўрсатилган оператив ва консерватив даволаш усуллари юқори самара бермаслигини кўрсатди.

Мамлакатда чорвачилиқни ривожлантириш, жумладан қишлоқ хўжалиқ ислохотларини амалга оширишда, шахсий фермер, дехқон хўжалиқлари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар бошқармасининг тартибни сақлаш бўлимида, чегара қўшинларининг отчилик заставалари шароитларида фойдаланилаётган отларда учрайдиган пай ва оёқ бўғимларининг дистал қисмлари сурункали асептик касалликлари асосий тўсиқлардан бири бўлиб келмоқда. Ушбу муаммони ҳар томонлама ва чуқурроқ ўрганиш шуни кўрсатдики, хайвонларда учрайдиган касалликларининг 40 % дан кўпроғи юқумсиз касалликларга тўғри келиб, бу патологияни асосий салмоғини шикастланишлар ташкил қилади. Ушбу касалликлар ичда пай ва пай қиллари касалликларини аниқлашни замонавий усуллари ишлаб чиқиш, даволашнинг ноананавий самарали усуллари яратилиши ва айниқса